Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 8 июнь
СЕШАНБА
№ 65 (5.507).
НАРХИ 10 СУМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Шўтабоғ замингимиз заҳматкашлари

Ғўза меҳр, меҳнатдан яшнайди

Эрта эксанг эрта ўрасан, дейишади бободеҳқонлар. Айниқса, чигитни ўз вақтида экиш пахтани эрта етилтириб олишнинг муҳим омилларидан биридир. Буни дилдан ҳис қилган хўжалигимизнинг тажрибали пахтакорлари сифатли қилиб тайёрланган майдонларга барвақт чигит қадашга эришган эдилар.

Эндиликда барча майдонларимизда чигитни ўз намига ундириб олиб, тўла гектарлар ҳосил қилишга муваффақ бўлдик. Шу кунларда далаларда қайноқ меҳнат палласи авжига чиққан. Деҳқон бир қўлида кетмон билан эгат оралаб ғўзасининг ҳолатини кўздан кечиряпти. Кундан-кунга пайкалларда кўмкўк яшил ниҳоллар бўй чўзмоқда. Буни кўрган деҳқоннинг қувончига-қувонч қўшиляпти.

Хўжалигимиз деҳқонлари жорий йилда 643 гектар ерга «С-3065» навли чигит экиб, ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил кўтаришга сўз беришган. Биз асосан уруғлик пахта етиштирамиз. Айни кунларда далаларда 20 га яқин культиватор юқори унум билан ишлатиляпти. Айниқса, Азамжон Юнусов бошлиқ бригада аъзолари биринчи бўлиб 41 гектар майдондаги ғўзага дастлабки ишлов беришни тугалладилар. Заршунослар жорий йилда мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 35 центнерлик маррани кўзлаб тер тўкишяпти. Механизатор Боқижон Ўрмонов шу кунларда ғўза қатор ораларига иккинчи комплекс ишлов беришни бошлаб юборди.

Хўжаликнинг Собиржон Тоштемиров бошлиқ бригадасида ҳам ғўза қатор ораларига иккинчи комплекс ишлов бериляпти. Бу ишда бригада механизатори Қаҳрамон Ҳасанчаевнинг ҳиссаси катта. Шу кунларда Исроилжон Ҳакимов, Ҳайдарали Пирматовлар етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари ҳам ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришяпти.

Шуни айтиш жоизки, бу йил чигитни ўғит билан эқдик. Биринчи культивация даврида ҳам ғўза қатор ораларига ўғит солдик. Бу эса ғўза ниҳолларини бақувват бўлиши ҳамда ҳосилнинг эрта етилишига олиб келади. Биз барча майдонларимиздаги ғўза ниҳолларини кетмон чопиғи қилиб чиқдик.

Яқинда жамоа хўжалигимизда ғўза қатор ораларига ишлов бериш бўйича вилоят кўрик семинари бўлиб ўтди. Иғнинга ташриф буюрганлар далаларимиздаги экинларнинг кўнгилдагидек ривожланаётганини таъкидладилар. Агар парваришни бўшаштирмасангиз, албатта, кўзланган маррани эгаллайсиз, дейишди ҳамкасб қўшниларимиз.

Биз бу йил 34 гектар ерга дон учун, маккажўхори экканмиз. Айни пайтда ниҳоллар иккинчи марта ишловдан чиқарилди. Бунда механизатор Мўминжон Йўлдошев муносиб улуш қўшди.

Жорий йилда 130 гектар ерда бошоқли дон ўстиряпмиз. Ҳар гектар ердан 45—50 центнерлик хирмон уйиш эзгу мақсадимиз. Бундан ташқари 159 гектар ердаги беданинг биринчи ўримини тугалладик. Ундан сенаж бостирдик.

Айни кунларда хўжалигимиз меҳнат аҳлининг бутун диққат-эътибори барча экинлардан мўл-кўл ҳосил етиштиришга қаратилган. Биз далада ишлаётган деҳқонларга ҳар томонлама ёрдам бериб, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Дала шийпонлари дид билан безатилган. У деҳқонларнинг ҳақиқий оромгоҳига айлантирилган. Доимий ҳамда мавсумий болалар боғчалари ишлаб турибди. Колхозчиларимизга тушлик пайтида озиқ-овқат ташкил этяпмиз. Бу эса дала ишлари ривожига ёрдам бераяпти.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
Тошлоқ туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги раиси.

Қибрай районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари табиат қийинчиликларига қарамасдан экинлардан мўл ҳосил етиштиришни ният қилиб қўйишган. Ҳозир далаларда бўлиб, боғларда, сабзавотзорларда қизғин меҳнатнинг устидан чиқасиз. Айниқса, Адҳам Каримов бошлиқ бригада деҳқонлари алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Жамоа аҳли 8 гектарда помидори, 3 гектарда

СУВЧИЛАР ҲИССАСИ

ошқовоқ, 4 гектарда ош лавлаги, 2 гектарда қанд лавлаги, 10 гектарда жўхори, 6 гектарда лавлаги, 10 гектарда беда парвариш қилишмоқда. Экинларнинг баравж ўсишида сувчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Заҳматкаш касб эгаларидан Тўёқбой Рисқулов, Турғунбой Жумановлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Механизатор Дўстжон Тиллаев эса экинлар тагини юмшатиб уларнинг яхши ўсиши учун имконият яратмоқда.

Т. ҚОДИРОВ.

«МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ» МИЛЛИЙ СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ғоят инсоний ва олижаноб умумбашарий муаммога бағишланган миллий семинар қатнашчиларини чин кўнгилдан табриклайман. Аҳолини туб демократик ислоҳотлар ва бозор муносабатлари йўлидаги ларзалардан кучли ижтимоий ҳимоялаш стратегиямизнинг энг асосий негизидир. Ўзбекистон ҳукумати шу қийин даврда болаларни, кексаларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, ишсизларни ва жамиятнинг бошқа энг ночор табақаларини ишончли равишда ҳимоя қилиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда.

Бизнинг ижтимоий ҳимоялаш дастуримиз кафолатларнинг янги тизимини ишлаб чиқишга, аниқ мақсадни кўзловчи ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ягона ёндашувни таъминлашга ҳамда давлат тузилмалари билан жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш биз учун катта аҳамиятга эгадир.

Жаҳон банки билан немис техника ҳамкорлиги жамиятининг фаол келтиришига ҳамда жаҳон тажрибасини эътиборга олиб аҳолини ижтимоий таъминлаш ва унга хизмат қилишнинг ривожланган тизимини, меҳнат бозорини вужудга келтириш билан, аҳолига иш бериш ва уни ишга жойлаштириш билан, ногиронларга тиббий ёрдам бериш, меҳнатга кўниктириш ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни батафсил кўриб чиқишига ишончим комил.

Ҳаммангизнинг муваффақиятли ва самарали ишлашингизга тилакдошман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

1993 йил 7 июнь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК ҚАДР-ҚИММАТИ

Мустақилликка эришиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингач, мамлакатимизга бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Таассуфки, Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларга баҳо бераётганда баъзи бир чет эл ва собиқ марказнинг айрим оммавий ахборот воситалари бирёқламаликка йўл қўйиб, факт ва ҳодисаларни билмасдан ёки атайлаб бузиб кўрсатишга уринмоқда.

Снёҳ қора бўлса ҳам кўнгил оқ бўлсин экан!

Куни кеча олис океан ортида нашр этиладиган «Новое русское слово» газетасига кўзимиз тушиб, дунёда холис сўз, инсоф-д» ёнат ҳали ҳам устувор эканига имон келтирдик. Буни қарангки, иттифоқпараст ҳамкасбларимиз ва ўзимиздан чиққан айрим сўзамоллар бизга тош отиб турганда, хорижлик муаллиф Владимир Пильняк Ўзбекистон ҳақида холис сўз айтишга журъат топибди. Албатта, унда айрим баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас.

Қуйида шу мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Кейинги вақтларда «Новое русское слово» газетасида Ўзбекистондаги аҳвол ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилинди. («Ўзбекистон президенти ўзини ҳимоя қилмоқда» — 6—7 март, «Мустақил Ўзбекистон: қатағонлар солномаси» — 12 март ва ҳоказо). Бу мақолаларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шаънига жиддий танқидий гаплар айтилган. Уни коммунистик усуллар билан раҳбарлик қилишда, Тожикистондаги можарога аралашишда, энг муҳими эса — республикада қатағон тузумини ўрнатишда айбладилар. Ўзбекистонда, дейилади 6—7 мартда эълон қилинган мақолада, — «Бирлик» мухолиф демократик ҳаракатининг фаолияти уч ойга тақиқлаб қўйилди, мухолифатнинг ҳамма газеталари ёпилди, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бир неча киши устидан суд ўтказилди. Ниҳоят: «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг ҳолати собиқ СССР республикалари орасида жуда ёмон» деган хулоса чиқарилади.

Газетхонлар мазкур мақолаларда Ўзбекистондаги вазият фақат Президент Каримовга ва унинг сиёсий йўлига душман бўлганлар нуқтаи назаридан баҳоланганини пайқаб олдилар. **Ҳолбуки, қадимий румодаёқ: «иккинчи томоннинг ҳам фикри эшитилсин», дейилар эди.**

Гапни шундан бошламоқчиман: Президент Каримов ўз сиёсий рақибларининг танқидига бир неча бор жавоб қайтарди. Расмий баёнотларидан бирида у ўз далил-исботларини қуйидаги сўзлар билан мухтасар ифодалади: «Ўзбекистонда ақидапарастлик ғалаба қиладими ёки демократиями, деган масала ҳал этилаётган бир пайтда мухолифатнинг икки-уч арбоби ҳақида гапиришга на ҳожат». Амалий равишда қисқа таърифлаб берилган бу масала бултур Американинг бир фирмаси иштари билан шу республикага борганимда у ердаги сиёсий вазият ҳақида олган таассуротларимга аниқ-равшан мос келади. Ҳа, Ўзбекистонда ақидапарастлик бирданига барча жабҳалар бўйлаб: сиёсатда ва иқтисодиётда, катта шаҳарларда ва қишлоқ туманларида ҳужум қилмоқда. Бир мисол келтираман. Наманган, Бухоро, Фарғона ва Андижон вилоятлари деярли барча рус аҳолисини қисиб чиқарди, деса бўлади. Ўзбек бўлмаганларнинг кўпчилиги жўнаш тараддудини кўришмоқда. Бу одамлар бир амаллаб жўнаб кетиш ва Россиянинг бирон жойидан тураржой топишнигина орзу қилмоқдалар. Аммо бу орзуни рўёбга чиқариш унчалик осон эмас. Каримовнинг амалий фаолиятини баҳолаганда аввалги тузум унга қолдирган аянчли меросни эътиборга олмасдан бўлмайди. Пахта яккаҳокимлигига зўр берилгани ва кимёвий ўғитлардан меъёрсиз фойдаланилгани табиий муҳитнинг халокатли булғанишига олиб келган эди. Республиканинг ери, суви ва атмосфераси шу қадар заҳарландики, ҳали кўп йилларгача бундан покланиш амримаҳол. Аҳоли тановул қилаётган маҳсулотлар сиҳатсаломатлик учун ҳалокатли даражада зараралидир.

Неча ўн йиллар мобайнида амал қилиб келган бу омилларнинг ҳаммаси ўзбек халқини жисмоний мажруҳлик ёқасига келтириб қўйган эди. Шуни айтиш кифояки, 1987 йилда ўтказилган «тиббий десант» (бу тадбирда асосан Россиядан икки мингга яқин шифокор ва тиббий ҳамшира қатнашган эди) 10.000 дан кўпроқ ғўдакни омон асраб қолди. Аммо Совет Ўзбекистонининг бутун тарихи мобайнида бундан бошқа десант ўтказилмади. Шу десант билан ёки унга ўхшаш тиббий муолажа билан қамраб олинмаган болалар ёрдамдан бебаҳра қолдилар. Шунинг оқибатида республика қишлоқ аҳолисининг 40 фоизи анемия (камқонлик) дардига чалинган, 20 фоизи жигар дардига ва бошқа касалликларга мубтало бўлган. Кези келганда шуни айтмоқчиман: жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) мана шу заҳарланган туманларда қон плазмаси харид қилишни тақиқлайдиган пайт келган. Бирлишмча, Германиянинг бир неча тиббиёт фирмаси ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда ҳақиқий «плазма кони»ни топгандек бўлмоқда.

Қишлоқлардаги кўп болали оилалар анъанага кўра не машақкатлар билан йиғган маблағини никоҳга, суннат тўйларига исроф қилади, шу сабабли уларда гўдакларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан тузукроқ камол топтиришни таъминлаш учун маблағ қолмайди. Шу муносабат билан эслатиб ўтай: собиқ СССРдаги армия раҳбарияти ўзбек йигитларидан ҳарбий қисмларда эмас, балки асосан қурилиш батальонларида кўпдан бери иш кучи сифатида фойдаланар эди.

Кўз ўнгимизда Орол денгизи ҳам ўша яроқсиз иқтисодий сиёсатнинг қурбони бўлди. Ўрта Осиёдаги иккита азим дарё — Сирдарё ва Амударё сувидан ўринсиз фойдаланилиши оқибатида денгиз сатҳи салкам беш баравар қисқариб кетди. Орол денгизи тепасида пайдо бўладиган илиқ ва нам ҳаво ўтмишда Россия ва Қозоғистоннинг ҳаво оқимларини жанубга ўтказмайдиган табиий тўсиқ бўлиб турар эди. Энди бу тўсиқ барҳам топгач, совуқ ҳаво Ўрта Осиё экинзорларига ёпирилиб, дўл ва жала келтирмоқда. Ҳозир ҳатто июль ойида ҳам жала қўйиб, дўл ёғадиган ва миллиардлаб зиён етказадиган бўлиб қолди (Ўзбекистонда ҳеч қачон бундай бўлмас эди-ку). Натижада бир қанча муҳим иссиқсевар экинларнинг ўсиб етилиши учун анча қулай давр қисқарди. Бу эса ўзбеклар учун ҳам, уларнинг қўшнилари учун ҳам кўпдан-кўп қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Энди яхши пишиб етилмаган пахта териб олинмоқда, шу сабабли жаҳон бозорида унга талаб камаймоқда.

Шу қадар кўп жуда оғир муаммоларни мерос қилиб олган Каримов ўз мамлакатидаги аҳволни яхшилаш учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Бу йўлда ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи натижаларга эришилди. Чунончи, Фарғона водийсидаги анчагина экинзорлар маҳаллий деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилди. Бу тадбирнинг натижалари сезила бошлади. Капиталистик давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилмоқда. Исроил билан муносабатларда айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Яҳудийлар давлатидан келган мутахассислар Ўзбекистонда томчилатиб суғориш усулини йўлга қўймоқдалар, бу усул яқиндагина мустақиллик олган республика тараққиёти учун чинакам буюк аҳамиятга эгадир. Сувдан тежаб фойдаланиш пахта етиштиришга ажратилган майдонларни қисқартириш ва бўшаб қолган ерларда маккажўхори ҳамда қандлавлаги етиштириш имконини беради. Шу тариқа омихта ем ва қанд саноати учун негиз яратилади. Яқин ўтмишда вазият мутлақо бошқача эди: дон йўқлиги сабабли паррандалар ёппасига сўйиб юборилар, мевани саноатда қайта ишлаш учун керакли шакар эса ғарбдан валютага харид қилинар эди.

Исроилликлар Ўзбекистон раҳбариятининг эътиборини Ўзбекистондаги қуёш энергиясидан фойдаланишнинг беҳисоб имкониятларига ҳам қаратдилар. Энергетиканинг бу янги тури келгусида республика иқтисодиётининг энг муҳим қисми бўлиб қолса ажаб эмас.

Аммо, Каримовга қарши мақолага қайтайлик. Ҳа, инсон ҳуқуқлари жиҳатидан Ўзбекистон собиқ Совет республикалари орасида охирги ўринда тўрар эмиш. Хўш, агар масала шу тарзда қўйиладиган бўлса, бу борада кимни рекордчи дейиш керак? Днестрбўйи можаросига ўралашган Молдованими, ёки Жанубий Осетия ва Абхазия ишкаллигига дучор бўлган Грузиянимми? Арманистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп йиллик можаро қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритганини ким ҳисоблаб чиққан? Тожикистончи? Афғонистонлик ақидапарастлар «асал иси»ни пайқаб қолиб, инсон ҳуқуқлари учун курашга «ҳисса» қўшиш учун шу ерга ёпирилиб кела бошладилар... Тожикистондаги фуқаро уруши қурбонларининг сони аниқ маълум эмас, аммо юз мингга яқин киши нобуд бўлди, деб таҳмин қилиш учун ҳамма асослар бор. Тожикларнинг ярим миллионга яқини ўз уйларини тарк этиб, қочқинларга айланиб қолишди. Тожикистоннинг эртанги куни ҳақидаги таҳминлар ҳам қувонарли эмас.

Шундай қийин шароитда Ўзбекистон Республикасида барқарорликни сақлаб туриш Каримовнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Фақат шундай сиёсат ўтказилгандагина у хорижий сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этиши мумкин. Уларнинг молиявий сармояларисиз маҳаллий иқтисодиётни юксалтириб бўлмайди. Ҳар қандай беқарорлик республика хўжалигига халокатли таъсир қилади: эркин алмаштириладиган валютанинг асосий манбаи бўлмиш «сайру саёҳат индустрияси»га путур етказган террорчилар ҳаракатлари Миср учун қанчалик қимматга тушганини эслайлик.

Айни пайтда мусулмон ақидапарастлари ҳужумни давом эттиришмоқда. Улар Тожикистонда ўз тажовузкорлик мақсадларини яширмаяптилар, Урта Осиёдаги бу мамлакатда Ислом ақидапарастларининг ғалабаси нималарга олиб келишини эрон мисолида яққол кўриш мумкин. Оятилло Хумайний раҳбарлигида амалга оширилган «ислом инқилоби» оқибатларини инсоният узоқ вақт сезиб туради. Шу касалликнинг қўшни Ўзбекистонга тарқалиши қандай оқибатлар келтиради? Бу республиканинг табиий ресурслари кўплигини эслайлик. Лекин гап фақат табиий ресурсларда эмас. Яқин ўтмишда Ўзбекистон корхоналари ва институтлари «умумиттифоқ ҳарбий саноат мажмуининг таркибий қисми бўлиб, СССР ракета қўшинлари учун асбоблар ва энг янги машина — ускуналар етказиб берар эди. Ҳозир бу корхоналар ва муассасалар ишсиз қолди. Уларнинг раҳбарлари эўр бериб янги буюртмачиларни излашяпти. Буларнинг ҳаммаси Эрондаги дин мутаассибларининг қўлига тушиб қолса нималар бўлиши ҳақида ўйламаслик мумкин эмас. Ақидапарастлар бундай қудратли техника ва бой хомашё базасини қўлга киритиб бир эмас, юзлаб ядровий бомбаларни ишлаб чиқарган, шунингдек уларни етказиш воситалари тўғрисида ҳам жон куйдирган бўлар эдилар. Бу инсониятга қандай хавф солишини тушунтиришга ҳожат

(Давоми 2-бетда).

ПАХТАКОР ЖАСОРАТИ

Деҳқон учун йилнинг осони йўқ. Қолаверса, ҳар бир кунинг ўзи бир синов. Шуни яхши билган омилкорлар кўзланган ҳосилни етиштириш, белгиланган маррани эгаллашга ҳаракат қилишади. Қийинчиликларга кўп йиллик тажриба, ғайрат-шижоат ва фан-техника мўъжизаларини кўндаланг қилиб, бир неча йиллардан бери ҳосилдорликни ошираётган Дўстлик районидаги 11-давлат хўжалиги меҳнат аҳлининг шу кунлардаги жасорати таҳсинга лойиқ.

Бошқа жойларда бўлганидек жорий йилда бу совхоз деҳқонлари ҳам об-ҳаво иноқликларини матонат билан енгиб, экинлардан мўл-жалдаги ҳосилни олиш учун бутун келишмаяпти. Пахтакорлар кўкламни яхши бошлашганди. 4073 гектар майдонга ўн икки иш кунида барака уруғи қадаб чиқишди. Кўчатлар бут бўлиб, қатор ораларига ишлов бериш бошланганида кетма-кет ёққан ёмғир, дўл ва совуқ ҳаво баҳор шабадасида ҳилпираб қолган ниҳолларни яксон қилиб кетди. Деярли барча майдонга қайта чигит экишга тўғри келди.

Хўжаликда юз берган аҳволга тўғри баҳо берилиб, тўла сафарбарлик эълон қилинди. Икки-уч кунлаб туттасил ёғиб турган ёмғир қайта ташланган уруғларни чиритиб юборди. Ҳозир бир тонна чигит 60 минг сўмдан сотиб олинаётган бир пайтда бундай аҳвол қанчалик иқтисодий қийинчилик келтириши кундай равшан. Хўжаликда чигитни икки-уч марта, ҳатто айрим пайкалларга тўртинчи бор экишга тўғри келди. Бундан хўжалик 75 миллион сўм зарар кўрди. Ҳа, деҳқон юмуши болалаб кетди. Бир иш — икки бўлди. Одамлар кунни тунга улаб меҳнат қилишди. Ҳеч ким далани тарк этмади. Совхоз маъмурияти ҳам моддий рағбатлантиришни яхши йўлга қўйди. Илғорлар иш бошида ҳар куни рағбатлантириб турилди. Бепул иссиқ овқат пиширилди.

— Ўн беш йилдан буён бригадага етакчилик қиляпман, — дейди Жиззах вилояти Кенгашининг нойби Омон Абдуллаев. — Деярли ҳар йили табиий офат билан юзма-юз бўляпмиз. Сўзи билан иши бир пахтакорларимизнинг ғайрат-шижоати туфайли бригадамиз 1992 йили ҳосилдорликни беш центнерга оширганди. Йил охирида катта даромад эгаси бўлдик.

Бу йилги ниятимиз ҳам катта. 80 гектар майдонда пахта етиштиряпмиз. Гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш мақсадида эрта баҳордан белни маҳкам боғлаб ишга киришдик. Чигит энг қулай муддатда экиб олинганди. Энди биринчи ишловга киришамиз деб турганимизда табиий офат юз берди. Меҳнат зое кетди. Одамларимизнинг руҳи тушгани йўқ. Укам Эргаш Муҳиддинов оғир пайтда менга қанот бўлди. Тўртинчи марта пайкалга экиш агрегатини олиб киришга тўғри келди. Қозоғистоннинг Еттисой районидан С 47—27 навли эртапишар чигит уруғи олиб келдик. Мавжуд майдонга яна қайтадан уруғ қадалди. Ҳозир чигит текис униб чиқди. Дастлабки парвариш бошлаб юборилди. Экиннинг ривожини тезлатиш учун ишлов миқдори кўпайтирилади, маҳаллий ўғитга зўр берилади.

Давлат хўжалиги раҳбари Раҳим Эсонқулов билан Мирзачўлнинг таниқли пахтакорларидан бири Қувноқ Бургутов бошлиқ звенога йўл олдик. Унинг чўлга келганига 25 йил бўлди. Чорак аср мобайнида механизатор, звено ва бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Ўғиллари Шавкат, Шуҳрат, Қаҳрамон, Баҳодир, Бахтиёр, Бозор, Қаҳҳорлардан ташкил топган бу онлавий звено 53 гектар майдонда ғўза, 40 гектарда беда ўстирмоқда, Табиий офат туфайли чигит икки-уч марта қайта экилди. Сўзида устивор заршунослар бу йил ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил кўтариш ниятиёқида астойдил меҳнат қилишаётир. Улар табиий офатга кўп йиллик тажрибаларини қарши қўйдилар ва қийинчиликларни мардона бартараф этишиб, бугунги кунда ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришяпти. Кўчатлар тўлиқ, экин кунда бир яшнаяпти.

Хўжаликнинг «Зафар» ширкатида Шавкат Саримов деган йигит звено бошлиғи бўлиб ишлайди. У ўрта мактабни тугаллаганидан кейин отаси ёнига — далага отланганди. Олдин оддий ишчи, сувчи, механизатор бўлиб ишлади. Мана, ўн йилдан ошдики, пахтачилик звеноси бошлиғи. Отаси Абдуллажон ака Саримов ёнида ишлаб юриб деҳқончилик илмининг сир-асрорларини яхши эгаллаб олгани туфайли шошиб қолмади. Қийналганида отасидан маслаҳат олди. Шундан бўлса керак звено ҳар йили йиллик режани ошириб адо этади. 1992 йили ҳам яхши ишлаганликлари туфайли катта даромад олишди.

Шавкат Саримов бошлиқ звенода ҳам чигит экиш биринчилар қаторида якунланиб, ниҳол бир текисда ундириб олинган, далаларда механизаторлар дастлабки ишлов беришни бошлашганди. Ёмғир ва жала, совуқ ҳаво таъсиридан бўлса керак униб чиққан ниҳоллардан асар ҳам қолмади. Тез орада учта сеялка ёрдамида барча жойларга қайта уруғ ташланди. Механизатор Шуҳрат Саримов вақт билан ҳисоблашмасдан меҳнат қилди. Чигит ундириб олинди. Пайкалларда ғўза чин барг чиқара бошлади.

Собиржон Иброҳимов чўлда 1978 йилдан буён ишлаб келаяпти. Асли Фарғона вилоятининг Фурқат районидан. Ҳозирги пайтда у бошлиқ звено 30 гектар ерда деҳқончилик қилаяпти. Абдихолиқ Умаров, Мадаминжон Солижонов, Қорасоч Солтибоев сингари деҳқонлар вақт билан ҳисоблашмасдан ишлашмоқда. Ҳавонинг паст келиши, кетма-кет бўлаётган ёғингарчиликлар муаммоларни болалатиб юборди. Шу ерда ҳам деҳқонлар матонати ва садоқатига тасаннолар айтгинг келади. Азаматлар иродасини қўлга олиб, ташвишли ҳолни тезроқ бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солишаяпти. Бу ерда биринчи ишлов сифатли ўтказилди.

Табиат хўжалик деҳқонларининг сабр-бардошини тақрор-тақрор синовдан ўтказмоқда. Улар қийинчиликларни мардонавор меҳнат билан енгиб, пайкалларда мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар. Ҳамжиҳатлик, тадбиркорлик, деҳқонларнинг ғайрат-шижоати туфайли кўзда баракали хирмон яратилишига ишончимиз комил.

Турдибой СОИНАЗАРОВ.

СУРАТДА: чўлда чиниққан тажрибали пахтакор Қувноқ Бургутов.

К. ЖУРАҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЕР СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ер солиғи белгилаш қоидалари

Ўзбекистон Республикаси «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш учун ҳақ тўланади.

Ер учун ҳақ ҳар йилги ер солиғи шаклида ундирилиб, унинг миқдорлари ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб белгиланади.

Ер солиғининг миқдори ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмайди ҳамда ер майдони бирлиги учун белгиланган ҳақ тарзида тўланиб, ишлаб чиқариш харажатларига киритилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан ижарага бериладиган ер учун ижара тўлови ундирилиб, **унинг миқдори** томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади, бироқ бу миқдор қонунларда назарда тутилган ер солиғи ставкаларидан кам бўлмаслиги керак.

2-модда. Ер солиғи тўловчилар

Ўз тасарруфида ва фойдаланишида **ер участкаларига** эга бўлган бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, чет эл юридик шахслари, уларнинг ташкилотлари, бўлинмалари ва филиаллари, шу жумладан қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган филиаллари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ер солиғи тўловчилар ҳисобланадилар.

Ушбу моддада уқтириб ўтилган ер солиғи тўловчилар бундан буён матнда «юридик шахслар» ва «фуқаролар» деб юритилади.

II. ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

3-модда. Ер солиғи ставкалари

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳар бир ерга эгалик қилувчи ва ердан фойдаланувчи учун ер солиғи ставкаларининг миқдорлари ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб, табақалаштирилган ҳолда белгиланади.

Ерга эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчининг айби билан ернинг сифати ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашишига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

4-модда. Ер солиғини бюджетга ўтказиш ва солиқ тўловларидан фойдаланиш

Ер солиғи тўловлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорларда халқ депутатлари тегишли вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг бюджетига тушади.

Тўловларнинг бир қисми республика миқёсидаги тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг бюджетида марказлаштирилади. Бундай ажратмаларнинг меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ер солиғи тўловларидан тушган маблағ энг аввало ерларни муҳофаза қилишни яхшилашга, ерларнинг унумдорлигини оширишга, ирригация ва мелиорация ишларига, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларни, шу жумладан ижарачиларни рағбатлантиришга, ер тузиш ишларини ташкил этишга, Давлат ер кадастри юритиш ва ҳудудни ижтимоий ривожлантиришга сарфланади.

III. ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5-модда. Юридик шахслар томонидан ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади. Юридик шахслар тўланиши лозим бўлган ер солиғининг ҳисоб-китобларини 1 февралдан кечиктирмай ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ идорасига тақдим этадилар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер солиғини, тўланиши лозим бўлган сумманинг йиллик ҳисоб-китобини қилиб, йилнинг ҳар чорагида тенг улушларда 15 февраль, 15 май, 15 август ва 15 ноябрда, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари — 15 сентябрь ва 15 декабрда тўлайдилар.

Юридик шахслар йил давомида ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб қолганлари ёки ўзлари фойдаланадиган ер майдонини кўпайтирганлари тақдирда ер майдони ажратилган ёки кўпайтирилган кундан бошлаб кўпи билан бир ой ичида солиқ идораларига ер солиғига доир ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилгандан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (ер майдони камайтирилган) тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади (солиқ миқдори камайтирилади).

6-модда. Фуқаролар томонидан ер солиғи тўлаш тартиби

1. Ерга эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчи ҳисобланган фуқаролар солиқ идоралари томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб рўйхатга олинадилар. Солиқни ҳисоблаш ва тўлашга хабарномалар тақдим этиш 1 апрелга қадар якунланади. Фуқаролар йилига бир марта 1 ноябрга қадар ер солиғи тўлайдилар.

2. Фуқароларга йил давомида ер участкаси ажратилган (қўшимча ер берилган) тақдирда ер солиғи ер участкаси ажратилгандан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (ер майдони камайтирилган) тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади (солиқ миқдори камайтирилади).

Ер солиғи бериб қўйилган ер участкасидан фойдаланилганлиги ёки фойдаланилмаганидан, шунингдек қишлоқ хўжалиқ экинлари ҳосилдорлиги даражасидан қатъи назар, ундирилади.

7-модда. Қорақалпоғистон Республикасида ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш тартиби

Қорақалпоғистон Республикасида ер солиғи ушбу Қонунда, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

IV. ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

8-модда. Солиқ ундирилмайдиган ер участкалари

1. Қуйидаги ерлар, чунончи:

а) шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари ва ҳоказо);

б) боғдорчилик-деҳқончилик ширкатлари, жамоат гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

в) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятидаги ерлар (қўриқхоналар, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, буюртма қўриқхоналар (ов қилишга мўлжалланганларидан ташқари) ва табиат ёдгорликлари, ихота дарахтзорлари;

г) гидромелиоратив ишларини ўтказиш аҳамиятидаги (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш учун мақбул табиий омилларга эга бўлган) ерлар;

д) истироҳатгоҳ ерлар (ўрмонзорлар, боғлар, хиёбонлар, сайргоҳлар, чўмилиш жойлари ва шунга ўхшаш аҳолининг оммавий дам олиши ва сайёҳликни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар);

е) тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, қабристонлар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари ва ҳоказо);

ж) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, ички денгизлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалигининг эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари теграсидаги ерлар ва бошқалар);

з) заҳира ерлар;

и) электр узатиш тармоқлари, кабел линиялари ва подстанциялар учун ажратилган ерлар, иссиқлик трассалари ва газ қувурлари, умумдавлат алоқа линияларининг иншоотлари жойлашган ерлар;

к) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техника турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш-соғломлаштириш жойлари, ўқувмашқ базалари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари эгаллаган ерлар;

л) автомобиль ва темир йўллар ҳимоя остидаги теграси ва улардаги иншоотлари билан, (хизмат билан боғлиқ чек ер сифатида берилган ерлардан ташқари) учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан самолётларни ерда бошқариш йўлаклари ва самолётларни сақлаш жойлари, аэропортларнинг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ҳамда умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти (шу жумладан метрополитен) учун ажратилган ерлар;

м) гидрометерология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари, мол ҳайдаб ўтиш учун ажратилган ерлар солиқ солинмайдиган ер участкаларига киради.

9-модда. Ер солиғи тўлашдан озод этилган тўловчилар

Қуйидаги тўловчилар, чунончи:

а) бузилган ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни ўз эгалигига ёҳуд фойдаланиш учун олган юридик шахслар ҳамда фуқаролар — қосилдорлиги тиклангунга қадар, лекин ер ажратилган вақтдан бошлаб узоғи билан беш йил давомида;

б) қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига ихтисослашган илмий ташкилотлар тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртлари буткул илм-фан ва таълим мақсадлари йўлида фойдаланадиган ер участкалари учун;

в) мулкчилик шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, **маданият, таълим, соғлиқни** сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариш мақсадида ажратилган ер участкалари учун;

г) «Ватанпарвар» мудофаа жамияти, «Орол» фонди, бошқа экология ҳамда хайрия фондлари;

д) ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, бу ташкилотларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари, башарти, улардаги жами ишловчиларнинг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этса;

е) камсонли халқлар ва этник гуруҳлар яшайдиган жойларда анъанавий ҳунармандчилик ва хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар — қишлоқ хўжалигидан бўлак мақсадлар йўлида фойдаланадиган ер участкалари учун;

ж) чет эл юридик шахслари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари ва фуқаролари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳамда уларнинг филиаллари — башарти, чет эллик иштирокчининг устав фондидаги улуши 30 фоиздан ортиқ бўлса, рўйхатдан ўтган кундан эътиборан икки йил давомида;

з) қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштириш жараёнида бўлган ёки мелиоратив ҳолати яхшиланаётган ер участкаларининг эгалари — лойиҳада кўрсатилган муддатларда;

и) деҳқон хўжаликлари — рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга;

к) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, туябоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

л) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, учала даражадаги Шуҳрат орденлари билан мукофотланган шахслар, Социалист меҳнат қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда байналмилал бурчини бажарган шахслар; I ва II гуруҳ меҳнат ногиронлари, боқувчисидан маҳрум бўлган кўп болали оилалар, болалигидан ногиронлар, болалигида концентрацион лагерларнинг тутқуни бўлган фуқаролар, Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, шахсий ва ёлғиз пенсионерлар — якка тартибдаги уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонунларда назарда тутилган меъёрлар доирасида берилган ер участкалари учун;

м) кўчиб келган фуқаролар — ер участкалари берилган вақтдан бошлаб 5 йил давомида ўзлари кўчиб келиб жойлашган ер участкалари учун;

н) фуқаролар — ер участкалари берилган вақтдан бошлаб 3 йил давомида якка тартибдаги уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонунларда белгиланган меъёрлар доирасида берилган ер участкалари учун ер солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

10-модда. Айрим ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар учун ставкалар ҳамда қўшимча имтиёзлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги эҳтиёжларига ажратилган ер участкалари учун (қишлоқ хўжалиги фаолияти юритиш мақсадида ажратилган ерлардан ташқари) ер солиғи ставкалари ҳамда ер солиғи бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ваколатли ҳокимият идоралари фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бюджетга ажратиладиган суммалар доирасида ер солиғи тўлови бўйича қўшимча имтиёзлар беришга ҳақлидирлар.

V. ЮРИДИК ШАХСЛАР, ФУҚАРОЛАР ҲАМДА СОЛИҚ ИДОРАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

11-модда. Юридик шахслар ва фуқароларнинг вазифалари

Юридик шахслар ва фуқаролар:

а) ер солиғини тўлашга доир ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси белгилайдиган шаклда ер участкаси жойлашган шаҳар ёки туманнинг солиқ идорасига тақдим этишлари;

б) тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда бюджетга тўлашлари шарт.

12-модда. Юридик шахслар ва фуқароларнинг жавобгарлиги

Юридик шахслар, фуқаролар ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ушбу Қонунни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ моддий, маъмурий, интизомий ва жиноий жавобгар бўладилар.

13-модда. Солиқ идораларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби

Давлат солиқ идораларининг юридик шахслар ва фуқароларни ҳисобга олиш, ер солиғи тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек бу солиқ тўловини ундириш чоғидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилади.

14-модда. Ушбу Қонунни қўллашга доир йўриқнома

«Ер солиғи тўғрисида»ги Қонунни қўллашга доир йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Давлат солиқ бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда, чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЕР СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ер солиғи жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга бевосита алоқадор ташкилотлардан 1995 йил 1 январдан бошлаб ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

«Ер солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг амалда қўлланилишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирилсин;

ушбу Қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатларнинг вазирликлар ва идоралар томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳамда бекор қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.

МИЛЛИЙ СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

7 июнь куни Тошкентда «Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш» мавзуидаги миллий семинар иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда республика Ижтимоий таъминот, Меҳнат, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Умумжаҳон банки, Германия техник ҳамкорлиги жамияти вакиллари, Марказий Осиё давлатларидан келган ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича малакали мутахассислар ва 20 нафардан зиёд халқаро экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташкилий қўмита раиси М. Қорабоев анжуманни очар экан Умумжаҳон банки доимий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан жаноблари ва Германия техник ҳамкорлиги жамиятининг вакили жаноб Карлфрид Мецлерга анжуманни ташкил этишда фаол ёрдам кўрсатганлари учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг республика Бош вазири А. Муталов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг семинар қатнашчиларига йўллаган табрик хатини ўқиб берди.

Дунё миқёсидаги йирик мутахассис ва иқтисодчи олимлар тўрт кунлик анжуман давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини муҳокама қиладилар. Анжуманда, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида амалга оширилаётган ибратли ишлар, бу борада Ўзбекистонда ишлаб чиқилган дастурлар, ижтимоий ислоҳот бўйича бошқа ҳужжатлар, концепциялар дунё андазаси даражасида ўрганилиши кўзда тутилган.

(ЎзА).

ШОЛИ ҚИПИҒИДАН СОВУН

Шоли етиштириш анча меҳнат талаб қилади. Уни ўриб-йиғиб олгач, дастурхонимиз кўркам бўлади. Гуручнинг қипиғидан ҳам маҳсулот олиш мумкинлигини ҳамма ҳам билмайди. 1991 йили Корея Халқ Демократик Республикаси билан шартнома тузилганди. Мавжуд муаммолар сабабли бу шартнома 1992 йил ёз мавсумигача ҳаракатдан тўхтаб турди. Шундан кейин республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси туфайли кореялик шериклар билан қайтадан шартнома имзоланган. Орадан бир йил ҳам ўтгани йўқ. Аммо Тошкентдаги гуручни қайта ишлаш корхонаси ёнида Ўзбек—Корея қўшма корхонаси иш бошлади. Унда шоли қипиғидан тайёрланган хом ашё асосида йилига минг тонна совун ишлаб чиқарилади. «Тедонган» қўшма корхонаси директори Хван Тимофейнинг айтишига қараганда агарда корхонанинг иккинчи навбати ишга тушса, гуручнинг қизил қопламаси чангидан спирт олиш имконияти туғилади.

Мустақил Ўзбекистон ва Корея республикаси байроқлари ҳамда тамғалари билан безатилган майдонда дўстлик шиорлари битилган. Маросим бошланиши олдидан иккала мамлакатнинг мадҳиялари янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари концерни раиси вазифасини бажарувчи Н. Тен бугунги барпо этилган корхонанинг ташкилотчиларини, барча жонкуяр ишбилармонларни қутлади ва уларга миннатдорчилик изҳор этди.

«Тедонган» қўшма корхонаси очилиш маросимини Тошкент дон маҳсулотлари ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Т. Шодимов олиб борди. Йиғилиш қатнашчилари гуруч қипиғи, уни қайта ишлаб, ёғ олиш, совун тайёрлаш жараёнини кўздан кечиришди. Корхона экологик жиҳатдан ниҳоятда тоза. Бир кунда 1200 килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

«Тедонган» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси очилиш маросимида ҚХДРнинг элчихона ишлари бўйича Ўзбекистондаги вақтинчалик мухтор вакили Пак Тхе Вон жаноблари қатнашди.

Шундай қилиб мустақиллик сари тобора дадил одимлаётган Ватанимизда хом-ашё чиқитларидан ҳам унумли фойдаланиш ҳамда аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашни яна-да яхшилаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Т. ЕРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК ҚАДР-ҚИММАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўқ. «Мустақил Ўзбекистон: қатағонлар солномаси» (Новое русское слово, 12 май) мақоласининг муаллифлари Олег Орлов билан Александр Тавризовни газета «Мемориал» ҳуқуқни муҳофаза қилиш марказининг аъзолари» деб таништирган, лекин чамаси улар бу муаммолардан ташвишланаётгани йўқ. «Ҳокимият қатағонни республикада барқарорликни қандай қилиб бўлсада сақлаб қолиш зарурлиги билан оқламоқда, —дейишади улар очиқдан-очиқ изтеҳзо билан. — Бунда ислом ақидапарастлиги асосий хавф деб кўрсатилмоқда». Эҳтимол Орлов ва Тавризов жаноблари нуқтаи назаридан қараганда бир неча муҳолифни қамоққа олиш ялпи фуқаролар уруши бошланишидан ҳам кенгроқ кўламли воқеадир. Улар инсон ҳуқуқлари учун, ҳар бир сиёсий гуруҳнинг очиқ ҳаракат қилиш ва ўз мақсадига эришиш ҳуқуқи учун курраш байроғи остида Президентга ҳужум қилмоқдалар. Бундай фаоллик натижасида вазият беқарор тус олса — нима бўлибди, бу унча муҳим эмас, дейишмоқда бизга. Ҳолбуки, ақидапарастларнинг таҳдиди кучайиб бораётган шароитда бундай даъватлар ғоят вайрон қилувчи тус олиши мумкин. Анвар Садат Миср да «мусулмон биродарлар» ташкилоти очиқ иш олиб боришига рухсат этиши биланоқ унга ўлим ҳукми чиқарилган эди. Яқингинада Тожикистон Президенти Набиев ҳам «беполён демократия»ни бой бериб қўйди. Бунинг оқибатлари ҳаммага маълум. Хўш, шундан кейин Каримов ҳам ана шу йўлдан бориши керакми?

Орлов ва Тавризов жаноблари нинг юқорида парча келтирилган мақоласида ўтган йилнинг январида Тошкентда бўлиб ўтган тартибсизликларга катта жой ажратилган. Ушанда тартибсизликлар ўзларининг моддий аҳволи қийинлигидан ранжиган талабалар норозилик юриши уюштириб, шаҳар маркази томон боришга аҳд қилишларидан бошланган эди. Талабалар ётоқхоналари дахасига келтирилган милиция кучлари намойишчиларга зарба берди, икки киши ҳалок бўлди, «жуда кўп талабалар калтакланди ва қўлга олинди», деб ёзади мақола муаллифлари.

Аммо тилга олинган «намойиш» аввал бошданоқ тинч намойиш эмас эди. Тўхтовсиз кўпайиб бораётган оломон жунбуши ҳар дақиқа кучайиб, зўравонликка айланиш хавфи бор эди. Одамларнинг кўзи қонга тўлиб, ваҳшийлашиб кетган, ғалаён бошчилари тинчланиш ва тарқалиш тўғрисидаги даъватларга ҳақорат билан жавоб қайтаришар эди. Милиционерлар тошбўрон қилинди, бўш шиша идишлар отилди. Бунга жавобан ўқ овози эшитилди. Жунбушга келган оломон Ўзбекистон пойтахти кўчаларидан ўтишига йўл қўйилмади. 1970 йилдаги даҳшатли воқеалар тошкентликлар хотирасидан ўчмаган бўлса керак, ўшанда «Пахтакор» ўйинчоҳида ҳаддидан ошган безорилар (асосан партия — бюрократик раҳбарларнинг ўғиллари) кўчаларда «ўзбекларга ўхшамаган» қизлар ва аёлларни оммавий равишда хўрлаган эдилар. Бу ғал шунга ўхшаш воқеалар бўлмади. Бизнингча, Лос-Анжелес полициясига Тошкент милициясидан ўрганса арзийди. Ҳатто исроилликлар ҳам шундай қатъият билан ҳаракат қилсалар интифода билан жангда мағлуб бўлмас эдилар.

Ўзбекистон Президентининг рақиблари Ўзбекистондаги репрессиялар тўғрисида кўп гапирадилар, лекин шу вазиятнинг ўзига холис назар ташлайдиган бўлсак, бошқа собиқ Совет республикалари кўпчилигининг орасида Ўзбекистон қонунийлик ва осойишталикнинг воҳаси бўлиб қолганини кўрмаслик мумкин эмас. Ҳолбуки, бу республика яқин вақтларгача ашаддий ички тўқнашувлар майдони эди — мен месхитиларга машъум ҳужумни кўзда тутяпман. Аслида Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилигининг бу ваҳшийликларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қирғинбарот ўша вақтдаги **ҳокимият идораларининг иштирокида (ёки тўғрироғи раҳбарлигида) олдиндан тайёрланган эди. Бир неча ҳафта давомида Фарғонага жиноий унсурлар тўпланди. Уларга озиқ-овқат ва бошпана, ҳатто наркотик моддалар ва спиртли ичимликлар берилди.** «Ташвиқотчилар» ҳам кам эмас эди. «Ўз-ўзидан юз берган» бу ҳаракатлар аниқ белгиланган муддатда бошланди. Ўша вақтда Ўзбекистон марказқўмининг биринчи котиби Рафиқ Нишонов бу ерда йўқ эди, у Москвада съездда эди. Хўш, бу ҳайрон қоларли даражада хабарсизликми ёки ўзининг бу ишга дахлсизлигини таъминлашга уринишмиди? Ҳар ҳолда сиёсий бюро унинг «хизматларини» тан олди, кўп вақт ўтмай у СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг раиси этиб тайинланди. **Каримов даврида Ўзбекистонда бундай воқеаларнинг асари ҳам йўқ.**

Республика ҳукумати шу вақтга қадар мамлакатдаги тобора кучайиб бораётган миллатчи унсурларнинг попугини пасайтиришга муваффақ бўлмоқда. Бу тўсиқ қанчагача бардош беришини айтишим қийин, лекин ҳозирги пайтда Ўзбекистон Президент Каримов бошчилигида ўрта аср реакцияси ва қонли бедодлик кучлари йўлида тўғон бўлиб турибди. Президент Каримов (Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Молдова Президентларидан фарқли равишда) моҳирлик билан тез ҳаракат қилиб, ўз республикасида барқарорлик ва тартибни сақлаб туришга қодир бўлса, бунинг учун шу барқарорлик ва тартиб туфайли эсан-омон юрган ўғил-қизларнинг оналари ва оталари номидан унга таъзим қиламиз. Ўзбекистон Республикасида яшаётган, ўз юртида қочоққа айланмаган ва тарқалиб кетмаган миллионлаб кишилар номидан катта раҳмат. Вайрон бўлмаган завод ва фабрикаларда, экинлар дуркун ўсаётган далаларда меҳнат қилаётган ишчилар ва деҳқонлар ўзлари бир меъёрда яшаётганлари, бир-бирларини қирғин қилмаётганлари учун миннатдор бўлмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятига эътибор бериб, беқарорлик давом этаётган кўпгина давлатларнинг раҳбарларини унинг тажрибаси билан таништирса ёмон бўлмас эди. Можаронинг олдини олиш бундай можаронни тугатишдан ҳам муҳимроқ вазифадир. **Эҳтимолки, Каримов можаро эндигина куртак отаётганда уни бартараф этиб, халқаро ҳамдўстликнинг миллиардлаб маблағини тежаб қолаётгандир. Балки у Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатишга арзир.**

Яна бир вазиятни ҳисобга олиш керак. Урушнинг оғир йилларида гитлерчи тўдалардан қочган минг-минглаб яҳудийлар Ўзбекистон ҳудудида бошпана топдилар. Ўша яҳудийларнинг ҳозир Қўшма Штатларда яшаётганларига ҳамда уларнинг авлодларига мурожаат қилмоқчиман: сизларнинг оилаларингизни сақлаб қолган ўзбек халқининг меҳмондўстлигини эсланг ва унга ёрдам беринг. Бу халқ ҳозир икки йўл ўртасида турибди.

Владимир ПИЛЬНЯК.
«Новое русское слово» газетаси (АҚШ), 1993 йил, май.

ТАННАРХ КАМАЙДИ

● Самарқанддаги қурилиш материаллари комбинатида ишлаб чиқарилаётган пишиқ ғишт таннархи кескин камайди. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маоши ошди. Хўш, бунга қандай қилиб эришилди?

Жамоа аъзолари бунинг учун талайгина қийинчиликларни енгиб ўтишларига тўғри келди, албатта. Иш шароитининг яхшиланиши, ижтимоий муаммоларнинг тўла ҳал қилиниши ходимлар қўқимсизлигига барҳам берди.

Бундан ташқари, эски ускуналарни янгилаш, замонавий механизмларни ўрнатиш ҳам маҳсулот ҳажмининг кескин ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Механизаторлик сермашаққат, лекин шарафли касб. Дала ишларида унинг алоҳида ўрни бор. Гулистон районидаги «Баҳор» жамоа хўжалиги механизатори Муртазохон Аҳмедовнинг қўли қўлига тегмайди. Мақсад етиштириладиган ҳосилга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш.

СУРАТДА: тажрибали техника жиловкори Муртазохон Аҳмедов (чапда) шогирди Абдуқодир Исломов билан шу кунги ишлар тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ПИЛЛАМИЗ–ТИЛЛАМИЗ

ТЎРАҚЎРҒОН МАРРАДА

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Тўрақўрғон райони пиллакорлари зафар маррасига етдилар. Она-Ватанга 301 тоннадан зиёд кумуш тола армуғон этилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга ўтказилди. Бу меҳнат ғалабасига «Тўрақўрғон», Бобур номли, И. Набиев номли, «Туркистон», «Намуна», «Наврўз» жамоа хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар.

Жорий йилда 80—90 килограммчилик ҳаракатига қўшилиб ишлаган «Тўрақўрғон», И. Набиев номли, Бобур номли, «Туркистон» жамоа хўжаликларининг Холиддин Бурҳонов, Заминрахон Ботирова, Оминажон Ҳожиакбарова, Холмамат Ғиёсов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда айниқса, қувончли натижалар қўлга киритилди. Соҳа фидойилари — Ҳадичахон Одилова, Бузайнаб Усмонова, Зулфияхон Аҳмадалиева кабилар мавсум қаҳрамонлари бўлишди. Улар ҳар қути қурт уруғидан 100—120 килограммдан пилла олишга эришдилар.

Тўрақўрғонликлар режага қўшимча равишда яна 20 тонна қимматли хом ашё топширишга аҳд қилдилар.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЙИЛНИНГ ИЛК ХИРМОНИ

— Айланай сизлардан, Суюнбой акангиз билан турмуш қурганимизга ҳам қирқ йил бўлай деб қолди. Шукр, онламиз аҳил, рўзғоримиз бут, болалар ҳам ўзимизга тортди. Ўн битта фарзандимиз бор. Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи деганларидек, барака топгур, катта қизим ўқитувчи, қолганлари ҳам ўйли-жойли, бўлишган. Катта ўғлим инженер, ўртанчаси Абдумалик Тошкентда, кичиклари эса мактабда ўқишади.

Кўп йиллардан бери ипак қурти боқаман. Бу жонивор озодаликни, саранжом-саришталикни ёқтиради. Рўзғорга қут-барака киритади. Болаларим, «қўйинг энди, бу ишни, невараларингизни боқиб ўтираверинг», дейишади. Йўқ, дейман, ишламасам туролмайман, ҳарна пилладан оладиган даромадимиз кичкинтойларимнинг тўйларига асқотсин, дейман. Ҳукуматга, юртбошимизга катта раҳмат. Оддий хонадон рўзғорини тебратиш қийин кечаётган ҳозирги бир пайтда биз пиллакорларга ҳам эътибор бериб хом ашёнинг харид нархини оширишди.

Ҳар йили давлатимизга пилла топшириш режаларини ошириб бажараяпмиз. Ўзим ҳар бир қути ипак қуртидан 80—100 килограммдан ошириб олий навли пилла топширишга эришяпман. Мана бу йил ҳам 2 қути пилла қуртини парвариш қилдим. Худо хоҳласа бугун-эрта режани ортиғи билан бажараман.

Биз оналарга фақат тинчлик бўлсаю, қўплар қаторида бизнинг фарзандларимиз ҳам мустақил юртимизнинг бирор кори ҳайрига яраса, шунинг ўзи кифоя.

Жарқиной НОРГУЧАЕВА,
Жарқўрғон районидаги Т. Шобуров номли жамоа хўжалиги пиллакори.

РИЗҚ-РЎЗ САРЧАШМАСИ

«ОЛТИНСОЙ» ЯЙЛОВЛАРИДА

Хатирчи районидаги «Олтинсой» давлат хўжалиги асосан қўй-эчкичиликка ихтисослашган. Совхозда чўпон таёғини эъзозлаб келаётганлар анчагина. Машина манзил томон елади. Икки томон яйлов. Пастликда шарқираб сой оқади. Анча йўл босгач адирликка кўтарилдик. Бундай дамларда киши беихтиёр ширин ўйларга берилади. Гўзал табиатли юртда яшаётганингдан яратганга шукрлар қиласан.

Хаёл билан бўлиб манзилга етиб келганимизни сезмай қолдик. Машинадан тушар эканмиз, Жўрақул ака Хўжамуродов очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ҳолаҳвол сўрашгач, тоғ томон ишора қилиб суҳбат мавзуини чорвага бурди.

— Бу йил баҳор тоғларга кеч келди, — деди у.— Май ойида ҳам ҳарорат биз кутгандек бўлмади. Ўт-ўлан яхши ривож ололмади. Чўпонлар ҳар тонг чорвага қулай келсин-да ишқилиб, деб ўрнидан яхши ният билан туради.

— Қўзилатиш мавсуми қандай ўтди, — сўраймиз суҳбат орасида.

— Отардаги 450 бош совлиқ соғлом ўсиши учун қўлимдан келган ҳаммасини қилаяпман. Ўтган йили мўл ем-хашак жамғарган эдик. Шу боис қишда озуқадан қийналмадик. Бу йил ҳар юз совлиқдан 107 тадан соғлом қўзи олдим. Шундан давлатга 90 дона сифатли қоракўл тери топширдим. 360 бош соғлом қўзи ўстиришга қолдирилди. 1,5 килограммдан ошириб жун олишни мўлжаллаб турибмиз.

Ўтлаётган жониворлар яқинига бориб бир муддат кузатиб турдик. Ҳақиқатан ҳам Жўрақул ака уста чорвадор эканини парваришидаги қўйларга қараб ҳам билиш мумкин. Бари соғлом, дуркун. Касбининг фидойиси, деб шундай инсонларни айтишади. Отаси ишини давом эттириб кам бўлмаётганидан фахрланади. Ўша куни бу ҳақда мароқ билан анчагина воқеаларни гапириб берди:

— Эсимда, 10—12 яшар пайтларимда отам билан бирга яйлов кезиб, қўй-қўзи боқардик. Ушандаёқ чўпонликка қизиқишим катта эди. Ҳар қалай ўрта мактабни тугатмай ҳаёт йўлимни белгилаб олгандим. Аввал отамга ёрдамчи бўлдим. Кейинчалик мустақил қўй боқа бошладим. Чўпонлик орқасида болаларимни бекаму кўст вояга етказдим. Ундан зиёд неваранинг бобосиман. Кенжа ўғлим Қаҳрамонжон ҳали ёш бўлишига қарамай тажрибали чорвадорлар қаторига кириб қолди. Қарийб ўн йилдирки, Оқтов ён бағирларидаги Саркамомо яйловларида қўй боқади. Демак, отамдан қолган чўпон таёғи ерда қолмайди.

У. ЖУМАЕВ.

Касби районидаги Мирзо Улуғбек номли давлат хўжалигида айни кунларда озуқа ғамлаш авжида. Хўжаликнинг учинчи агроучасткасидаги 205 гектар эски, 45 гектар янги беда ўрилиб пешма-пеш фермаларга ташиляпти. Механизатор Аҳмад Рўзиқулов кунлик топшириқларни ортиғи билан бажариб, ҳосилни сифатли ўриб олаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Механизатор А. Рўзиқулов. 2. Ўрим қизғин.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

Илғор тажриба—кўпчилик мулки

ҚАНДЖЎХОРИ—ДАРОМАД МАНБАИ



Бозор шароитида ишнинг қаловини тополмаган, омилкорлик ташаббускорлик кўрсатмаган киши мушкул аҳволда қолади. Ҳозир кўпга бош бўлиш айниқса қийин. Боиси муаммолар кераги дан ортиқ, четдан ёрдам кутиб бўлмайди. Бир вақтлар биз ҳам мушкул аҳволда қолгандик. Свердлов номли жамоа хўжалигимизда бор-йўғи 800 гектар ер бор эди. Аҳоли 28 мингдан ортиқ. Ҳар қарич ер ҳисобда. Одамларни иш билан таъминлаш, имкониятлардан унумли фойдаланиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш учун иқтисодиётни юксалтириш зарур эди. Кўп ўйладик, изландик, мутахассислар фикрини олдик. Охири колхоз «Ижодкор» илмий ишлаб чиқариш тажриба-деҳқончилик саноат фирмасига айлантирилди.

Хўш, бунинг афзаллиги нимада? Аввало, пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотимизни ўзимиз сақлаб, қайта ишлаб, сотиш имконига эга бўлдик. Фан ютуқларидан унумли фойдаланиш имконияти яратилди. Шубҳасиз мақсадга бирдан эришиб бўлмасди. Бошқарув усулини тамоман янгилаб музхоналар, омборхоналар, кичик корхоналар қуриш талаб этиларди. Бунинг учун катта маблағ зарур. Тажрибакорлар таклифига кўра Краснодардан қанджўхори уруғлиги келтирилди. Дастлаб 30 сотих ерда синаб кўрдик. Натижа ёмон бўлмади. Кутилганидан кўп дон ҳамда гектарига минг центнердан силос учун кўкпоя йиғиштириб олинди. Бу кўпчиликни қизиқтириб қўйди. Иккинчи томони қанджўхорининг ширраси таркибида қанд 22 фоизни ташкил этаркан. Ушанда «Нима сабабдан чорва моллари маҳсулдорлиги кам?» деган саволга жавоб топгандек бўлдик. Озуқаларимизда қанд ва керакли моддалар жуда кам экан.

1991 йилда 70 гектарга экдик. Уста деҳқонлар схемани ўзгартиришни маслаҳат беришди. Яъни бир қаторга оддий маккажўхори, иккинчисига эса қанджўхори экилди. Муҳим ишга яхши мутахассислар, тажрибали деҳқонлар жалб этилди. Ҳар бир тадбир вақтида сифатли амалга оширилди. Саъи— ҳаракат яна ўз самарасини кўрсатди. Гектаридан 50 тонна силос бостирилди. Эътиборлиси шуки, 1 гектар ердан 19,1 тонна озуқа бирлиги олишга эришилди. Шунинг ҳисобига ўн икки ойда бир сигир сути 400 килограмм кўпайди. Аниқроғи 2.900 килограммдан 3.328 килограммга кўтарилди. Жами 600 тонна кўп сут топширилди. Жамоат чорвачилиги жадал ривожлана бошлади. Ҳозирги кунда фермада 900 та қорамол парвариш қилинмоқда. Шундан 250 таси қора-ола сигирлардир. Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги сабабли тармоқ ходимлари омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашаяпти. Зоҳида ва Холида Раҳматуллаевалар ферма фахри. Улар илғорлар тажрибасидан унумли фойдаланиб ҳар сигирдан йилига 3,5 минг килограммдан маҳсулот олишмоқда.

Бошланган тажрибани ривожлантириб бордик. Третикали ҳам экилди. Нўхот аралаштирилганлиги сабабли оқсил моддаси кўпайди. Мазкур ўсимликни думбиллигида ўриб олиш жуда муҳим.

Гектарига 400 центнердан кўкпоя (дони билан) йиғиштирилиб хандақларга босилди. Третикали ўрнига қанджўхори экдик. Бундан ҳам гектарига 400 центнердан емиш олинди. Ҳаммаси бир гектарга 25 тонна озуқа бирлиги бўлди. Ана шу кўрсаткич республика бўйича олинаётганидан 5—6 марта кўпдир.

Қанджўхорининг афзалликлари кўп. Сув кам талаб қилади. Ўрсангиз илдиздан яна ўсиб чиқади, ерни унумдор қилади, заҳирадаги фосфорни ўсимлик оладиган ҳолатга келтиради, шўрни камайтиради. Яхши иш бошлаганлигимизни бир йилдан кейин сездик. Гектаридан 10 тоннагача қанд қиёми олиш имконига эга бўлдик. Ният ҳаммаси бўлиб 300 тонна қиём тайёрлаш. Қанджўхоридан спирт, этанол ҳам олиш мумкин. Янгилик шарофати туфайли одамларимизнинг топиш-тутиши яхши. Бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Энди ўзимизда бемалол қанд ишлаб чиқаришимиз мумкин. Шу мақсадда уч йил бурун завод қурилиши бошланганди. У бу йил ишга тушади. Кичик заводлар қуришни изчил давом эттириб қандни ҳам, спиртни ҳам, бензинни ўзимизда тайёрлашга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Яқинда мутахассислар лимон кислотаси олишни таклиф этишди. Буни ҳам режага киритдик.

Емиш мўл бўлганлиги сабабли бўрдоқичилик ривожланяпти. Бир кеча-кундузда бўрдоқига боқилаётган моллар 600 грамм семирмоқда. Қушхонага ўтказилаётганларининг тирик вазни 400 килограммдан кам бўлмаяпти.

Қанджўхори етиштириш усталари ҳақида гап кетганида Охунбой Ҳакимов, Ҳабибулло Бойдадаев каби пудратчилар номи биринчи бўлиб тилга олинади. Улар ўз ишининг чинакам устаси. Ҳозир ихтиёримизда анчагина қанджўхори уруғи бор. Истаганларга бажонидил сотяпмиз. Тажрибамизни қўллаб, янгиликни дадил жорий этаётганлар кам бўлишмаяпти.

Абдураҳмон АБДУРАҲИМОВ,
Наманган районидаги «Ижодкор» илмий ишлаб чиқариш тажриба деҳқончилик-саноат фирмаси раиси.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК МАДАДИ

Хоразм вилоятининг барча туманларида кичик корхоналар фаолиятини кенгайтиришга эътибор ортаяпти. Бу тадбирнинг ўзига яраша сабаби бор: биринчидан, ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари ошса, иккинчидан жойлардаги ишсизликка барҳам берилади. Бу борада Янгиариқ туманининг халқ таълими соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Аваз Ўтар номли ўрта мактабда иш бошлаган кичик корхона эндиликда полос, гилам ва сопол идишлар тайёрлай бошлади. Улардан келадиган даромаддан мактаб жамоаси фойдаланмоқда. Шунингдек, тумандаги Ўзбекистон номли ўрта мактабда ҳам лимон ва гул етиштирувчи махсус фирма иш бошлади. Бу кичик жамоа кўпчиликни лимон ва гул билан таъминлаётир.

Бозор иқтисоднётига ўтиш натижасида гўштнинг нархи ҳар қачонгидан ошди. Шуни ҳисобга олиб, тумандаги Отажон Жуманиёзов номли ўрта мактабда ёрдамчи хўжалик — ферма ташкил этилган эди. Унда қуёнчилик ва товуқчилик ривожлантирилиб, мўмай даромад олиш ва аҳолини гўшт билан таъминлашга улуш қўшилмоқда.

Дилдора ОРИПОВА.

ПЕШҚАДАМЛАР

Боёвут районидаги «Боёвут» пахта тозалаш корхонаси 1992 йил кузида район пахтакорларидан 34 минг 66 тонна оқ олтин қабул этганди. Бундан 17 минг 99 тоннаси юқори навларга қабул қилинганди. Шуниси қувончлики, корхона мана бир неча йилдан бери чет мамлакатлар билан алоқалар ўрнатган.

1993 йилнинг ўтган ойлари давомида Буюк Британияга 1150 тонна, Бельгияга 260 тонна, Россияга 750 тоннадан зиёд пахта толаси жўнатилди.

—Толани қайта ишлашда ва экспорт қилишда О. Каримбердиев, М. Шоднев, Қ. Очилов, А. Халиловлар фаоллик кўрсатишмоқда, — дейди корхона бош муҳандиси Ўктам Ўроқбоев. — Кейинги уч ой ичида корхонамиз 23.664 сўм соф фойда кўрди.

У. МУҲАМЕДОВ.

ЭНГ ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Мутахассис маслаҳати

Ем-хашак базасини мустаҳкамлашда озуқабоп экинлардан беда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Оқсил муаммосини ҳал этишда ҳам бу экиннинг аҳамияти катта. Республикамиздаги суғориладиган аксарият районларнинг табиий шароити беда ўстириш ва ундан юқори ҳосил олиш учун қулайдир. У илк кўкламдаёқ униб-ўса бошлаши ва мавсум давомида 5—6 марта ўриб олиниши туфайли молларни эрта баҳордан кеч кузгача оқсилга бой яшил озуқа билан таъминлаб туриш имкониятини беради.

Беда майдонлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозир 400 минг гектар майдонни эски бедазорлар эгаллаб турибди. Бундан ташқари алмашлаб экиш далаларида ҳар йили 180—200 минг гектарга янгидан беда экилмоқда. Шундай қилиб, жами бедазорларимиз 637,7 минг гектардан ошиб кетган. Кейинги йилларда беда ҳосилдорлиги пичан ҳисобида гектарига ўртача 100 центнерга етди. Илғор хўжаликларнинг иш тажрибаси ҳосилдорликни бундан ҳам ошириш имконияти борлигидан далолат беради.

Ҳозирги пайтда беда ҳосилдорлигини жумҳурият бўйича гектарига ўрта ҳисобда 200 центнерга етказиш вазифаси турибди. Шунга эришилса, ҳар йили қўшимча равишда яна 200 минг тоннадан ортиқ оқсил олинади.

Республикамизнинг кўпгина хўжаликларида беда ўстириш, уни ўриб-йиғиб олишда ҳамон эскича технология қўлланиб келинмоқда, қайта ишлашнинг янги усуллари ишлаб чиқаришга жуда суст жорий этилмоқда. Вегетация даврида технологияга амал қилинмайди, зараркунанда ва касалликларга қарши биологик кураш чоралари кўрилмайди.

Ўсимликнинг асосий зараркунандалари — фитономус ёки беда барг филчаси, туганак узунбуруни, беда уруғхўри ёки бурхофагусдир. Тугунакли узунбурунлар ўсимликнинг уруғпалласини, чиқарган биринчи барглларини, ўсиш нуқтасини еб, ўстирмай қўяди ва экинни нобуд қилади. Бу зараркунаданинг ғумбаклари тағин ҳам кўпроқ зиён етказади. Улар беданинг илдизларида ривожланаётган тугунаклар ичига кириб олиб, бактериал тўқималар билан озиқланади. Ғумбаклар кўп бўлса, тугунакларнинг асосий қисмини нобуд қилади ва тупроқ таркибида азотнинг тўпланишини 50—60 фоизга камайтиради. Бедазорларга фитономус ҳам жиддий зарар етказади. Бу ҳашарот туфайли экиннинг унумдорлиги 30—50 ва ундан ҳам ортиқроқ фоизга пасаяди. Ҳавонинг сернам бўлиши ва ҳароратнинг кўтарилиб, исиб кетиши фитономуснинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Айни кунларда беда ёппасига шонага кирган бир вақтда унинг энг қимматли қисми ҳисобланган барглларини фитономусга егизиб қўйсак, озуқанинг сифати кескин пасаяди. Яхшиси бедани тезкорлик билан ўриб олиб, сенаж бостиришга эътиборни кучайтиришимиз зарур. Таркибида сув миқдори ниҳоятда кўп бўлган беда сомон билан аралаштириб сенажга бостирилса мақсадга мувофиқ. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, беда ўрилиб, хандақларга келтирилади. Бостирилаётган беда кўк массасининг ҳар бир тоннасига 300—350 килограммдан сомон аралаштирилади. Бу усул қўлланилганида хандақнинг тубига 10—15 сантиметр қалинликда бир текис сомон ётқизилади. Беда кўк массаси ва сомон бир текис тўшалгач, оғир занжирли тракторларда бостириб зичлаш керак. Хандақ тўлиб, ер бетидан ярим метр баландликка кўтарилгунча шиббалаш давом этади. Сўнгра сенаж устига полиэтилен плёнкаси ёпилиб, 10—15 сантиметр қалинликда тупроқ тортилиб, сомонли лой билан суваб қўйилади.

Беда ўз вақтида ва қисқа фурсатда ўриб-йиғиб олинса, зарарли ҳашаротлар сони камаяди. Агар экин тагига тақаб ўрилса, беда ўткакасининг кўплаб тухумлари йўқ қилинади, даланинг зарпечак билан зарарланиши ҳам камроқ бўлади.

Беда зараркунандаларига қарши курашда майсалари ўсиб, баландлиги 12 сантиметрга етганида бедазорларни бостириб, қондириб суғорилса нафи тегади. Агар экинни зарпечак босиб кетса, ўсимлик бутунлай қурийди. Зарпечак уруғи пичан, сомон, гўнг, сув, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва бошқа воситалар орқали тарқалади. Зарпечак тушган майдонлар тезлик билан ўриб олиниб, тозаланади. Йиғиштириб олинган зарпечакни дала чеккасига олиб чиқиб, қуриганидан кейин ёқиб юборилади. Шунингдек, зарпечакка қарши гербицидлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Кейинги ўримлардаги бедазорнинг ҳосилдорлиги, ундан тайёрланадиган озуқанинг скфати экин қайси муддатда ва қандай босқичда ўриб олинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун бедани энг оптимал муддатларда ўриб-йиғиб олмоқ зарур. Ўрим ўз вақтида ўтказилса, жадал ўсиб-ривожланиш учун қулай шароит яратилади.

Ўсимлик вегетациясининг фазалари ёки ривожланиши ўзгарадиган бўлса, бедадаги поялар ва барглларнинг ўзаро нисбати ҳам ўзгаради. Ўсимлик ривожланишининг бошланғич даврида ўсимликнинг 40—42 фоизи поялардан ва 58—60 фоизи барглардан иборат бўлади.

Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида ҳамда жамоа ва давлат хўжаликларининг тажрибасида аниқландики, шоналаш даврида ўрилган беданинг кўк массаси энг юқори тўйимлилик хусусиятига, гуллай бошлаганида ўрилгани бирмунча камроқ, ёппасига гуллаётган даврда йиғиштирилгани эса жуда ҳам паст сифатга эга. Шунингдек, ёппасига гуллаш ва уруғ бойлаш даврида беданинг яшил массаси таркибидаги озуқа моддалари меваларига ўтиш жараёни кечади, ўсимликнинг қуйи қисмидаги барглари қуриб, ерга тўкилади.. Озуқанинг тўйимлилик ва ҳазм бўлиш хусусиятлари пасаяди, ҳосилдорлик камаяди, озуқа дағаллашиб қолади. Ўсимлик қуриган сари ундан тайёрланаётган озуқа сифати 1,5—2 баравар пасайиб кетади. Беда пичанининг афзалликлари жуда катта. Масалан, 2 килограмм беда пичани бир озуқа бирлигига тенг. Ўримнинг турли муддатлари ўрганилиб, ўсимлик кўп марта химиявий таҳлил қилиб кўрилганда шундай хулосага келинди: ўсимлик шоналаш даврида унинг таркибидаги протеин 30—32, гуллай бошлаганда 18—20 фоизга тушиб қолади, клетчатка эса аксинча 15 дан 34 фоизга етади. Ўсимлик шоналай бошлаганда 1 килограмм қуруқ беданинг тўйимлилик қиймати 0,7 озуқа бирлигига тенг бўлиб, унинг таркибида 110—115 грамм ҳазм бўлувчи протеин бор.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик файлари академияси, Чорвачилик илмий тадқиқот илмгоҳи олимлари озуқалардан фойдаланишда ва тайёрлашда қуйидаги усулларни тавсия этади:

1. Фитономус билан зарарланган бедани тезда ўриб-йиғиб олиш ва соғин сигирларни озиқлантиришда фойдаланиш керак. Бунинг учун ҳар бош соғин сигирга бир кеча-кундузда 40—45 килограмм миқдорида бериш керак.

2. Маълум қисмининг намлигини 40—45 фоизга қадар сўлитиб бўғоз сигирларга 20—25 килограмм, ёш молларга эса 10—15 килограмм бериш мумкин.

3. Яна бир қисмини хашак-пичан тайёрлашда ишлатса бўлади. Чўғки соғин сигир рационида 2—3 килограмм сифатли пичан бўлиши шарт. Бундай қилинганда рациондаги қуруқ модда меъёрида туради.

4. Моллардан ортиб қоладиган қисмидан сенаж ёки кимёвий консервантлар етарли бўлса қишлов учун консервалаш керак.

Синовдан ўтган технологияга биноан беда шоналаш, гуллаши бошланиши даврида сенаж учун ўрилади. Касалланган бедаларни ўришда ривожланиш даври инобатга олинмайди. Иложи борича беда ёки сенаж учун мўлжалланган ўтларни эрталаб ўриш керак. Бир кунда йиғиштириладиган майдонлар сатҳи хўжаликдаги озуқаларни ташиш техникаларига мослаб белгиланиши керак. Ўтлар ер юзасидан 5—7 сантиметр баландликда ўрилади, белгиланган баландликдан 1 сантиметр юқоридан ўрилганда ҳар бир гектар ерда 1,5—2 центнер кўп озуқа қолиб кетади ва аксинча, жуда пастдан олинганда ўтлар тупроқ билан ифлосланади, кейинги ўримга салбий таъсир этади. Ўтларни ўришда КС-2,1; КДН-4, Е-301 ўрувчи машиналардан фойдаланилади.

Сенаж қилинадиган хандақлар яхшилаб таъмирланиши керак. Сенаж учун хандақларга солинган ўтларни бир кеча-кундузда 15—18 соат С-100 тракторлари ёрдамида шиббаланилади. Хандақлар тўлгандан сўнг полиэтилен плёнкалар билан беркитилиб, устидан тупроқ тортилади.

Бироқ, кўпчилик ҳолларда сенаж сифатли бўлмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири ўрилган ўтларни керакли намликкача сўлитмаслик ва меъёридагидек майдаламасликдир. Кўп ҳолларда сифатни унутиб миқдор кетидан қувадилар, 50—55 ўрнига 70—75 фоиз намлик билан хандақларга бостирадилар. Натижада тайёрланган сенажнинг сифати тушади, тўйимлилиги 0,16—0,18 озуқа бирлигидан ошмайди. Бундай сенаждан ёғ кислоталарининг ҳиди келиб туради, озуқа чиришди ва оқибатда молларни заҳарланишига, бўғоз молларнинг бола ташлашига олиб келади.

Кўк озуқаларни кимёвий моддалар билан консервалаш йил мобайнида молларни юқори сифатли, ширали озуқа билан таъминлаш имкониятини яратади. Оддий силослаш усулига нисбатан консерваланган озуқаларда тўйимли моддалар 2—3 марта кўп сақланади. Лекин консервант кимёвий моддалар юқори самара беришига қарамасдан хўжаликларни унга бўлган эҳтиёжи тўла таъминламаётир.

Илмгоҳимиз олимлари томонидан электр қутбланган ош тузи сувини озуқаларни консервалашда қўллаш усули ишлаб чиқилмоқда. Изланишлар натижасида электр қутбланган сувнинг консервалаш хусусияти ва унинг энг мақбул миқдори (1 тоннага 15 литр) аниқланди. Бу суюқлик озуқаларни консервалашдаги энг арзон, экологик нуқтаи назардан соф, ҳайвонлар учун зарарсиз консерваловчи моддадир.

К. КАРИБОЕВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси академик-котиби.

У. НОСИРОВ,
Чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳининг бош раҳбари, ЎзҚҲФА мухбир аъзоси.

А. ХОЛИҚОВ,
Озуқабоп экинлар бўйимнинг бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

ХИЗМАТИ МАНЗУР

Уйчи районидаги собиқ «Зангори экран» корхонаси шу йилнинг январь ойидан бошлаб «Кафолат» савдо-техника марказига айлантирилди.

— Биз эндиликда ижара пудрати асосида район аҳолисига ўзимиз мустақил равишда хизмат кўрсатяпмиз, — дейди марказ бошлиғи Ғофуржон Жўраев. — Бировнинг қўлига қараб ўтирмаяпмиз. Бозор иқтисодиёти келтириб чиқарган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини ахтаряпмиз.

Жамоада ўз касбининг фидойилари, ёшларнинг мураббийлари, кўпчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган усталар оз эмас. Ана шундай ажойиб инсонлардан бири 34 йиллик касб соҳиби Аҳмаджон Нажмиддиновдир. У районда радио ва телевизор усталарининг биринчи қалдирғочларидан саналади. Бугунги кунда устознинг Тоҳиржон Ўринбоев, Ғафуржон Жўраев, Ҳуснидин Болтаев сингари ўнлаб шогирдлари унинг ишончини оқлаб келмоқда.

Хизматидан эл мамнун бўлаётган «Кафолат» савдо-техника марказининг аҳли жамоаси бу йил аҳолига 2 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш йўлида астойдил меҳнат қилаётир.

М. ҚОДИРОВ.

* * *

СУРАТДА: ўз касбининг устаси Аҳмаджон Нажмиддинов шогирди Ғофуржон Жўраевга йўл-йўриқлар бермоқда.

А. ЮСУФБОЕВ олган сурат.

ТАЪМИРЛОВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Оқдарё районидаги «Олимпиада-80» ўйингоҳида қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирловчиларнинг дастлабки вилоят спартакиадаси бўлиб ўтди. Спортнинг тўрт тури — волейбол, футбол, шахмат ва шашка бўйича мусобақаларда 700 га яқин киши иштирок этди.

Умумжамоа ҳисобида оқдарёликлар биринчи ўринни эгаллашди. Ғўзалкент райони таъмирловчилари иккинчи ва уларнинг пахтачилик ҳамкасблари учинчи бўлишди.

Шахсий баҳсларда шахмат бўйича совринли ўринларни эгаллаган оқдарёлик А. Суетдинов, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш трести вакили О. Эшпўлатов ҳамда пастдарғомлик К. Бўроновни таъкидлаб ўтиш жоиз. Шашкачилар мусобақаси ҳам қизғин ўтиб, ургутлик Д. Алиев, каттақўрғонлик Х. Тошев, оқдарёлик О. Муҳаммадиев 1—3 ўринларни банд қилишди.

Ҳозирги пайтда бирон тадбирни ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирловчиларнинг илк вилоят спартакиадасини тайёрлаш ва ўтказишга ўз ҳиссаларини қўшган А. Мирзаев (вилоят бошқармаси директори), Р. Ҳайдаров (Оқдарё район бошқармаси директори) ва «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти Оқдарё район кенгаши раиси З. Орзумуродовларнинг ташкилотчилиги таҳсинга лойиқдир.

Ғолибларга 2 минг сўмдан 10 минг сўмгача пул мукофоти берилди. Муҳими шундаки, ушбу спартакиадани ҳар йили ўтказишга келишиб олишди.

Н. САИДОВ,
«Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти Самарқанд вилоят кенгаши раиси.

ҚОНУН ГУНОҲКОРНИ КЕЧИРМАЙДИ

Инсон, имон, инсоф

— Ўзбекистон Республикаси номидан!

Суд залида пашша учса билинади. Судланувчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғларининг ранглари оқариб кетган, оёқ устида аранг туришибди. Қора курсида ўтирган жиноятчиларга разм соламан. Ҳаммаси мўйловлари эндигина сабза ура бошлаган ғўр болалар. Лекин ана шу «ғўр»лар озодликда юрганларида ўзларини чет эл фильмлари қаҳрамонларидек ҳис этишган, бегуноҳ кишиларга пичоқ тираб қўрқитишган, бировларнинг мол-мулкларини ўғирлашган, аёлларнинг номусига тажовуз қилишган.

Мана энди, қора курсида кўзларини ғилтиллатиб ўтиришибди. Ота-оналар фарзандлари гуноҳидан ўтишларини илтижо билан сўрайдилар, кўз—ёш тўкадилар. Лекин, қонун кўз—ёшларига ишонмайди. Ҳуқуқ — тартиботчилари ана шу қонун асосида иш кўрадилар.

Ҳукм ўқилди. Залда ўтирган аёллардан бири ҳушидан кетди. Эндиликда маҳбусларга айланган ёшларнинг рангига қараб бўлмасди. Айримлари икки кафти билан бошини чангаллаб, сўзсиз тебранади...

Ҳар доим ҳам ана шундай кўнгилсиз манзараларни кўриш судьяларга осон эмас. Баъзан ўз-ўзимга савол бераман: гулдек — гулдек йигитлар нима учун ўз ҳаётига ўзлари зомин бўладилар? Бошқалар қатори билим олишса, жамиятга фойда келтиришса яхши эмасми?

Бу саволларга жавоб бериш қийин. Чунки, етмиш йиллик тузум халқимизнинг таълимтарбия борасида тўплаган узоқ асрлик бой тажрибасини четга суриб чиқарди, кекса кишилар панд-насиҳатларига ёшлар қулоқ солмай қўйдилар, ён-атрофимизни миллий хусусиятимизга ёт таъсирлар ўраб олди, ҳали она сути оғзидан, кетмаган баъзи болакайларнинг ичкилик ичиши, наша, сигарет чекиши одат тусига кирди, меҳр—оқибатдан дарз кетди.

Мустақиллик йўлидан қадам ташлаётганимизда бу иллатлар ёввойи печакдек оёқларимизга ўралашмоқда. Баъзилар ўғирлик, босқинчилик сабабини иқтисодий қийинчиликларга боғламоқчи бўладилар. Лекин, қўлга тушиб, судланганларнинг аксарияти ўзига тўқ оилалардан. Улар ўғирлик йўлига егани нон, кийгани кийим тополмаганликлари учун эмас, пинҳона айшу ишратини таъминлаш, меҳнат қилмай шоҳона ҳаёт кечириш мақсадида кирганлар.

Шу йилнинг март ойида Янгийўл шаҳрида бўлган бир жиноий иш юзасидан ўтказилган суд мажлисига раислик қилдим. Қарангки, жиноятчиларни илҳомлантирган, йўлдан урган «ҳомий» Янгийўл вино заводининг собиқ ишчиси, шаҳарнинг Наврўз даҳасидаги 3-ўй, 8-хонадонда яшовчи Гулнора Қолмуратова бўлиб чиқди. Гулнора нима учун йигитларни жиноят йўлига етаклади? У ўз уйида ижарага турувчи А, Кусаева деган аёлнинг мол-мулкини ўзлаштириш, ундан бир йўла қутулиш учун Жума Омондиқов ва Ринат Қурбоновларни ишга солди.

Шундай қилиб, Гулнора ўз ижарачисини чиқармай турадиган, Жума ва Ринатлар уни уйдан олиб кетадиган бўлишди. Келишилган муддатда «жазоловчи»лар келишди. Гулнора уларга калитни бериб, ўзи қўшнисиникига чиқиб кетди. Ринат ва Жума А. Кусаевани зўрлаб ташқарига олиб чиқишди, уни қийнаб номусига тегишди, тилла тақинчоқларини тортиб олишди. А. Кусаева пайт пойлаб қочиб, воқеани ички ишлар бўлимига келиб айтди.

Ижарачисдан қутулганига ишонган Гулнора унинг 18 минг 990 сўмлик мол-мулкини ўғирлаб, яшириб қўйди.

Судда Гулнора ҳам, Жума ва Ринатлар ҳам ўзларини оқлашга, суддан қуруқ чиқишга уриниб кўрдилар. Лекин найранглари иш бермади.

Баъзан ота-оналар ўз фарзандлари қаерда, ким билан юрганлигини суриштирмайдилар. Бу лоқайдлик кейинчилик оғир оқибатларга олиб келади. 1965 йилда туғилган Альберт Содиқов ҳеч қаерда ишламайди, «машғулоти» қимор ўйнаш, балоғат ёшига етмаган болаларни чув туширишдан иборат. У шу йўл билан Янгийўл шаҳридаги 3-ҳунар-техника билим юрти талабаси Игорь Галановни нард ўйинида ютиб, қарз қилиб қўйди. Шундан кейин пихини ёрган Альберт Игордан қарзини қисташга тушди, баъзан уриб, қийнади. Уни ўғирликка ўргатди. Игорь ундан қўрқиб бир куни кечки пайт темир йўл кўприги устида Бредниковнинг сумкасини олиб қочди. А. Содиқов «хизмат ҳақи» сифатида унга соатини берди. Бошқа куни у фуқаро Рибалкинанинг сумкасини ўғирлади.

Санжар Холмуродов ҳам балоғат ёшига етмаган Игорь Галанов ва Владислав Дияновларни қарта ўйинида ютиб, қарзларини ўғирлик билан топилган пуллар ҳисобига тўлашларини айтди. Учовлон бировнинг пулларини ўртада бўлаётганида милиция ходимлари томонидан ушланди.

Шавкат Қосимовнинг оиласи, фарзандлари бор. У ҳалол меҳнат билан кун кечириши, эл-юрт ўртасида бош кўтариб юриши мумкин эди. Лекин, шайтон кўрсатган йўлдан кетди. Икки марта судланди. Охирги марта жазо муддатини Янгийўл шаҳрида туғаллаб, эрта-индин бу ердан ҳужжатларини олиб кетиши керак эди. Қарангки, эндигина озодликка йўл очилган пайтда яна жиноятга қўл урди: шу шаҳардаги комендатурада жазо муддатини ўтаётган, илгари икки марта судланган Қодир Иброҳимов ва Зилолиддин Исмоиловлар билан тил бириктириб, Янгийўл шаҳар, Ниёзов кўчасидаги уйлардан бирида яшовчи Р. Орифжоновларникига бостириб киришди. Улар юзларига ниқоб кийиб, тўппонча, пичоқ, резина таёқ билан қуроллланган эдилар. Уй эгаси ва унинг укасини қўрқитиб, барча қимматбаҳо буюм ва тақинчоқларни (жами баҳоси 291 минг сўм) машинага олиб чиқдилар. Булардан ташқари, ўғрилар эшик, мебель жиҳозларини бузиб, уй эгасига 5 минг сўмлик зарар етказадилар.

Қодир Иброҳимов — шу жиноий гуруҳ аъзоси. У ўз шериклари билан Тошкент шаҳарида З. Отабоева исмли фуқаронинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, умумий нархи 66 минг 100 сўмлик буюмларини ўғирлади.

1993 йилнинг февраль ойида Р. Норов раислигида яна бир жиноий гуруҳнинг иши кўриб чиқилди. Бунинг тафсилоти қуйидагича: Янгийўл шаҳар мебель фабрикаси ишчилари Баҳром Эшметов, Дилшод Ҳусанов, Рустам Чатаев ҳамда илгари судланган Бахтиёр Бойчибоевлар ичкилик ичиб ўтириб, Янгийўл пойабзал фабрикасига ўғирликка тушиш режасини туздилар. Шу мақсадда 8 та бўш қопни қўлтиқлаб, ярим кечада корхонага келдилар. Б. Эшметов ва Б. Бойчибоевлар цех ичига кириб, 8 та қопга жами баҳоси 62 минг 850 сўм бўлган пойабзалларни жойлаб, пастда кутиб турган Д. Ҳусанов ва Р. Чатаевларга ташлаётганларида қоровул ва милиция ходимлари сезиб қолишди.

Мен ўз фаолиятим давомида жуда кўп жиноий ишларни кўриб чиқиб, ҳукмларга қўл қўйганман. Четдан қараганда судьяларнинг ишлари осондек кўринади. Аслида эса судхона ғалвахонанинг ўзи: кечагина умид билан бир ёстиққа бош қўйган эр-хотин бугун бутунлай бегона кишилар олдида бир-бирларининг бошларига маъзава ағдардилар. Кимдир қўшниси билан ер талашиб, калтак еса судга югуради, ота ўғилдан, ўғил отадан шикоят қилади, қизлар оналари билан уй-жой талашадилар. Баъзан этагимни силкиб, судхонадан чиқиб кетгим келади. Беоқибатлик, тўғри гапга сира тушунмайдиган аёллар, юзларида фариштаси йўқ қотиллар, жабрланувчиларнинг кўз-ёши юрагимнинг аллақаерини кемиради.

Айниқса, қора курсида жунжикиб ўтирган, мактабларни туғаллаб, жамият учун фойдали иш ўрнига жиноят кўчасига кирган ўсмирларга қараб, беихтиёр ачинаман. Хўш, нима учун болалар ўртасида жиноятчилар кўпаймоқда? Бу саволга жавоб тайин: кўпгина турар-жой бошқармалари, маҳалла қўмиталари, балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекциялари ўз вазифаларини виждонан бажармаяптилар, ҳатто баъзи қўни-қўшнилар бир-бирларидан хабар олмай қўйишди. Ота-оналар: «Фалончининг боласи ўғри, у билан юрмагин, маломатга қоласан», дейдилар-у, маҳалла фаоллари билан бирлашиб, ўша ўғри болани ёмон йўлдан қайтаришни ўйламайдилар. Бундайларга фақат ўз оиласи тинчлиги керак. Менимча, бир оила бутун маҳалладаги оилаларнинг тинчлиги, маҳаллалар қўмиталари эса ҳар бир оиланинг тинчлигини ўйлаши, шунга эришиш учун тинмай курашиши лозим. Агар ўз қонбиғимизга ўралиб олиб, дарвозамиздан ташқарини кўрмасак, «менга нима!» деб юраверсак, эрта-индин ўзимиз бартараф этишга эринган савдолар ўзимизнинг бошимизга тушиши ҳеч гап эмас.

Кейинги пайтда бебилиски пул топадиган айрим бойваччалар етти маҳаллага ош бериб, хонандалар устидан юзталик, мингталикларни сочишни одат қилиб олишди. Оёқ остларда тупроққа беланиб ётган пулларга қараб, беихтиёр ўйга толасан: кимдир пулларини хазондек совуряпти, бошқаси шу пулларга зор юрибди. Ёки, яна бир мисол: баъзи пулдорлар «савоб»га ноил бўлиш ниятида минг-минглаб пул сарфлаб, ҳашаматли масжидлар қурмоқдалар, қимматбаҳо гиламларни совға қилмоқдалар. Мен муқаддас динимизни, унга хизмат қилувчи уламоларимизни ҳурмат қиламан. Шунинг учун ҳам ҳамиша поклик-тўғриликни тарғиб қилувчи динимиз ҳаромдан топилган пулларга муҳтож эмас, деб ҳисоблайман. Агар ўша бойваччалар жуда савобталаб бўлсалар, етим-есирларга хайрия қилишсин, ўзлари бош бўлиб, бирор ночор йигитни уйлаб қўйишсин, ўй қуриб беришсин. Муқаддас ҳадисларда кимки етим-есирларнинг бошини силаса, муҳтожларга ёрдам берса ҳаж знёратига борганнинг савобини топади, деб таъкидланган.

Шу ўринда муҳтарам дин пешволаридан ўтинчим-илтимосим бор: Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов юртимизда қадриятларимизнинг тикланиши йўлида раҳномолик қилмоқда, муқаддас динимиз ёшларни мустақил она Ватанга садоқат руҳида тарбияласин, ҳидоят йўлига бошласин, деб таъкидламоқда. Дарвоқе, келажаги буюк бўлган Ўзбекистонга ҳалол—пок, соғлом авлод керак. Бу борада уламоларимизнинг ҳам хизматлари, ҳиссалари зарур.

Собиқ иттифоқ таркибида юрган пайтимизда қонун бамисоли бир ҳамир эди, ундан истаган нарсаларини ясашлари ҳеч гап эмасди. Очиғи, ҳар бир маълум доирангинг ўз қонуни бор эди. Мустақил Ўзбекистон давлати бундан буён эски қонун-қоидалар йўриғи билан юриши мумкин бўлмай қолди. Бизга ўз миллий хусусиятларимизни акс эттирадиган, талабларимизга жавоб берадиган қонунлар жуда зарур. Янги жиноят Кодексимиз адолат талаблари асосида яратилаётганлиги ўғирлик, босқинчилик, талончилик каби хавфли жиноятлар томирини қуритади, одамларнинг кўзларини мошдек очади, тўғрилик поклик йўлига бошлайди.

Абдумалик ЖАЛИЛОВ,
Янгийўл шаҳар халқ судининг раиси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

САҲНАДА ЕШ ҚИЗИҚЧИЛАР

● Андижонда ёш қизиқчиларнинг вилоят кўрик танлови бўлиб ўтди. Халқимиз асрлар давомида ардоқлаб келган қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган бу беллашувда ангренлик ёш қизиқчи Сойибжон Мирзаев биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрни избосканлик қизиқчи Каримжон Ҳалилов ва қўрғонтепалик Қудратилло Парпиева насиб этди.

ЧАЛА ИМОРАТ

● Рубль кундан-кунга қадрсизланаётган, қурилиш материалларининг нархи ҳафта сайин ўсаётган бугунги кунда ишни эртага қолдириб бўлмайди. Шаҳрисабздаги «Қашқадарётранс» бирлашмасига қарашли 46 квартирали турар-жой биноси, Китоб шаҳридаги 220 ўринли, шу туман Зарафшон давлат хўжалигидаги 420 ўринли, Яккабоғ тумани «Ҳисор» давлат хўжалигидаги 220-мактаб бинолари мана 3—4 йилдирки, битмай ётибди. Хўжалик раҳбарлари маблағ йўқлигини баҳона қилиб, қурилишга пул ажратмаяпти. Чала бинолар ёғингарчилик, қаровсизлик оқибатида ҳароб аҳволга тушмоқда. Бундан давлат ҳам, қурилиш ташкилоти ҳам зарар кўрмоқда.

Бу хўжасизликка қачон барҳам берилар экан!

ОЛИМА НОМИДА

● Фарғона вилоят бошқармаси академик Ҳадича Сулаймонова номидаги махсус стипендия таъсис этди. У фақат аъло баҳога ўқиётган ҳуқуқшунос талабаларга бериладн. Энди Фарғона давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик факультетининг 3 нафар талабаси ҳар ойда 1000 сўмдан қўшимча стипендия олиб туради.

ТАБОБАТ МАРКАЗИ

● Риштон туманининг Зоҳидон қишлоғида Абу Али ибн Сино номидаги халқ табобат маркази беморларга хизмат кўрсата бошлади. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган мазкур муассасада бирйўла юз нафар бемор даволаниши мумкин.

АЁЛЛАР «ДУЭЛ»ГА ЧИҚҚАЧ...

● Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғидан оқиб ўтувчи «жин ариқ»дан бир аёл жасади топилди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари дарҳол унинг кимлиги, қандай қилиб ўлдирилганини аниқлашга киришди. Тезкор гуруҳ тузилиб, тегишли ишлар олиб борилди. Ниҳоят, марҳуманинг кимлиги аниқланиб, унинг қотили топилди. Маълум бўлишича, қотил унинг дугонаси экан. Улар бир знёфатда рашк туфайли жанжаллашиб қолиб, «дуэл»га чиқибди. Натижа эса маълум.

(ЎзА).

Сиз — ҳаёт чироғи
мунис онажон,
Меҳрингиз нуридан
олам чироғон.
Юринг ҳамиша,
шу гулдай очилиб
Гулгун чеҳрангиздан
гулласин жаҳон.

СУРАТЧИ Б. ИСМОИЛОВ.

• Билиб қўйган яхши

СУНЪИЙ СОҚЧИ

Маълумки, радиолокатор йигирманчи асрда ихтиро қилинган. Лекин шуниси қизиқки, қўпгина ҳашаротлар қадим-қадимдан ўз радиолокаторлари ёрдамида ризқ-рўзини топиб кун кечиради. Гап ҳашаротларнинг турли товушлар тарқатиши ва қабул қилиши ҳақида бораяпти.

Ҳашарот табиат ато этган ана шу имкониятдан фақат қорин тўйғазишда эмас, балки ўз қушандаларидан сақланишда ҳам фойдаланади. Масалан, майда ҳашаротлар учун кўршапалак энг қўрқинчли душман ҳисобланади. Кўршапалак ўлжасини ўзидан чиқарадиган товуш акс-садоси ёрдамида топади.

Буни қарангки, капалак душман сигналини узоқдан сезиши билан бирга, ўзидан қисқа товушли импульс чиқариб рақибидан қутулиб ҳам қолар экан.

Олимларнинг фикрича, кўршапалакнинг ультратовушли сигнали қишлоқ хўжалигида зарарли ҳашаротларни чўчитиши мумкин экан. Бу борада маккажўхорининг ашаддий зараркунандаси ҳисобланган капалак синаб кўрилди. Бунинг учун айланадиган столча маҳкамланган қисқа товушли генератор экин майдонининг ўртасига ўрнатилди.

Тажриба натижаси кўнгилдагидек бўлди — сунъий «кўршапалак» жўхоризорни зарарли капалакдан яхши ҳимоя қила олди. Касалланган ўсимликлар сони одатдагидан икки марта камайди.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Мустақил республикамиз раҳбарияти, барча меҳнаткашларимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш, маънавий баркамолликка эришиш, умумиинсоний қадриятларни қарор топтириш ва бошқа муҳим масалаларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Юртимизда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Истиқлол мафкурасини қарор топтириш, маданий-маърифий жабҳалардаги муҳим янгиликларни оммага етказиш ҳам бугунги кунда жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Шуларни ҳисобга олган «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси таҳрир ҳайъати журналистлар, ёзувчилар, шоирлар ва бошқа ижодкорлар иштирокида кўрик-танлов ўтказмоқда. Ижтимоий турмуш, иқтисодиёт, маданий-маърифий мавзуларда ёзилган туркум мақолалар, махсус саҳифалар, лавҳалар, очерклар, давра суҳбатлари, замондошларимизнинг орзу-интилишлари, ички кечинмалари бадиий баёқларда тўлақонли талқин этилган ҳикоялар, назмий асарларнинг муаллифлари ушбу кўрик-танловда иштирок этмоқдалар.

Ижодкорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мақсадида ҳар ой охирида кўрик-танловнинг маълум қисмига якун чиқарилиб, ғолиблар газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган таҳрир ҳайъати йиғилишида кўрик-танловнинг май ойи якунлари кўриб чиқилди. **«Қишлоқ ҳақиқати» чорвачилик бўлими мудири Равшан Бобомуҳамедовни 2 минг сўм пул мукофоти билан тақдирлашга қарор қилинди. У «Чорвачиликни жадал ривожлантириш — ҳаёт талаби», «Жамоат мулкига хиёнат—гуноҳи азим», «Чўл бойлиги», «Судралиш қачонгача?» сарлавҳалари остидаги долзарб мавзуларда ёзилган мақолалари учун шундай мукофотга сазовор бўлди.** Газета бўлим мудири Каримжон Рихснев, катта мухбир Давлатмурод Саъдуллаев ва мухбир Ҳосил Каримовлар иқтисодиёт ҳамда маданий-маърифий мавзуларда ёзилган махсус саҳифалари ва давра суҳбатлари билан фаол қатнашганликлари таъкидлаб ўтилди.

Газетамиз нашр этилаётганлигига шу йилнинг охирида йигирма йил тўлади. Бу даврда юзлаб, минглаб жамоатчи мухбирлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг билимдон мутахассислари, маданий-маърифий жабҳаларнинг жонкуярлари таҳририятимиз билан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Улар бизнинг энг яқин кўмакдошларимиз, жонкуярларимиз ҳисобланадилар. Шуни назарда тутиб жамоатчи мухбирлар, фаоллар ўртасида ҳам алоҳида кўрик-танлов ўтказилиб, уларнинг ғолиблари ой сайин рағбатлантирилаяпти. **Май ойида ўзининг «Хизр назари тушган полвон» очерки билан кўрик-танловда иштирок этган сурхондарёлик иқтидорли журналист Жамила Эргашевани 1,5 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлашга қарор қилинди.** Таҳрир ҳайъати йиғилишида олтиариқлик изланувчан журналист Мухлис Жўрабоев таҳририятимизга яқиндан кўмак бераётганлиги, газета саҳифаларида долзарб мавзулардаги мақолалари билан иштирок этаётганлиги таъкидланди.

Ҳамюртларимизнинг ҳаёти ёркин акс эттирилган фотосуратлар, бадиий расмлар муаллифлари ўртасида ҳам алоҳида кўрик-танлов ўтказилиб, унинг ғолиблари ой сайин эълон қилиб борилмоқда. **Таҳрир ҳайъатимиз ўзининг сермазмун фотосуратлари билан жамоатчиликка яхши танилган Умарали Қўшвоқовни «Истиқлол фидойилари» туркум асарлари учун минг сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлашга қарор қилди.** Бўстонлиқлик И. Портнов, бухоролик Ч. Олимовлар ўзларининг мазмунли ва ранг-баранг мавзулардаги фотосуратлари билан газета саҳифаларида фаол иштирок этаётганликлари уқтириб ўтилди.

Газетамизнинг йигирма йиллигига бағишланган ушбу кўрик-танловлар йил охиригача изчил давом эттирилиб, ғолиблар ой сайин эълон қилиб борилади. Барча ижодкорларни ушбу ўзига хос мусобақада фаол қатнашишга даъват қиламиз.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—276. 31650 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 20.10

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.